

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
ЯТТ « \_\_\_\_\_ »

\_\_\_\_\_ 2021 й  
« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ вилояти, \_\_\_\_\_ тумани (шаҳри)да  
Оилавий мактабгача таълим муассасаси  
фаолиятини ташкил этиш бўйича

# БИЗНЕС РЕЖА



**Инвестиция миқдори**

**29,8 млн.сум**

**Ўз маблағи**

**9,8 млн.сум**

**Кредит маблағи**

**20,0 млн.сум**

\_\_\_\_\_ – 2021 йил

• Тижорат сирини ошкор этмаслик келишуви .....	3
• Лойиҳанинг қисқача шархи. ....	4
• Мактабгача таълим тизими тўғрисида .....	4-7
• Бизнес лойиҳанинг тавсифи .....	8
• Кириш .....	8
• Лойиҳанинг умумий шархи. ....	9
• Лоиҳанинг стратегик мазмуни ва мақсади .....	10
• Лойиҳа асосига қуйилган асосий параметрлар .....	11
• Лойиҳа ташаббускори ҳақида қисқача маълумот .....	12
• Лойиҳанинг амалга ошириш графиги .....	12
• Хизмат кўрсатиш жараёни тавсифи .....	13
• Хизмат кўрсатиш кувватлари. ....	14
• Ишчи кучи ресурлари ва уларга бўлган талаб .....	14
• Ишчиларга кўйиладиган талаб ва кадрлар дастури. ....	15
• Энергия ресурлари сарфи .....	15
• Фаолиятнинг маркетинг таҳлили .....	15
• Бозор шароитининг таҳлили .....	16
• Талаб ва таклиф, нарх шаклланиш омиллари таҳлили. ....	19
• SWOT (АЗИТ) таҳлили .....	19
• Маркетинг стратегияси ва дастури.....	20
• Лойиҳанинг молиявий асослари .....	21
• Умуминвестицион харажатлар ва молиялаш манбаалари .....	21
• Хизмат кўрсатиш режаси.....	18
• Озиқ-овқат маҳсулотлари сарф – харажатлари .....	18
• Ишчи кучи сарф харажатлари .....	32
• Энергия ресурслари сарф харажатлари.....	34
• Амортизация ажратмалари .....	25
• Ялпи харажатлар ҳисоби .....	26
• Кредитни қайтариш режаси.....	27
• Даромадлар, харажатлар ва фойда ҳисоби .....	39
• Пул оқими ва дисконтланган пул оқими .....	41
• Хулоса .....	42
• Фойдаланилган адабиётлар.....	43

## ТИЖОРАТ СИРИНИ ОШКОР ЭТМАСЛИК КЕЛИШУВИ

Ушбу бизнес режа **ЯТТ** «\_\_\_\_\_» мактабгача таълим муассасаси буюртмаси асосида тайёрланган бўлиб, йўлга қуйилиши режалаштирилаётган лойиҳанинг молиявий–иқтисодий, ташкилий ва маркетинг таҳлилларини ўз ичига олади.

Ушбу хужжатда келтирилган маълумотлар муассаса раҳбарияти ва муассасанинг келгусидаги иш фаолиятини акс эттириб махфий характерга эга. Ушбу хужжат **ЯТТ** «\_\_\_\_\_» мактабгача таълим муассасасининг мулки ҳисобланади ва уни тасарруф этиш ундаги маълумотларни бошқа шахсларга ошкор этиш муассаса раҳбари ихтиёридадир.

Ушбу хужжатда келтирилган маълумотларни муассаса раҳбарининг ёзма розилигисиз тасарруф этиш, бошқа шахсларга сотиш ёки такдим этиш, нусха кўчириш ёки ошкор этиш қатъиян маън этилади.

Қуйида имзо чекувчилар юқоридаги талабларга розилик билдириб, ушбу хужжат ва унинг таркибини сир сақлаш, тарқатмаслик ва маълумот эгаси – **ЯТТ** «\_\_\_\_\_» мактабгача таълим муассасаси раҳбарининг илк талаби билан уни эгасига қайтаришни ўз зиммасига олади.

Ф.И.Ш \_\_\_\_\_ ИМЗО \_\_\_\_\_

м. у.

Ф.И.Ш \_\_\_\_\_ ИМЗО \_\_\_\_\_

м. у.

## ЛОЙИХАНИНГ ҚИСКАЧА

### ШАРХИ

**ЛОЙИХА ТАШАББУСКОРИ: ЯТТ « \_\_\_\_\_ »**

**ЛОЙИХАНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБААСИ:** Молиявий тизимида кредитлаш асосида “Хар бир оила тадбиркор” давлат Дастури асосида тижорат банклари томонидан тақдим этилаётган кредит маблағлари

**ЛОЙИХА ИЖРОЧИСИНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ:** Якка тартибдаги тадбиркор

**МУАССАСАНИНГ РЎЙХАТДАН ЎТГАН САНАСИ ВА ГУВОХНОМА РАҚАМИ:** \_\_\_\_\_ 2019 йил, Реестрдаги тартиб рақами № \_\_\_\_\_, Асос: \_\_\_\_\_ вилояти, \_\_\_\_\_ тумани Давлат хизматлари марказининг 2021 йилдаги гувоҳномаси

**МУАССАСАНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ:** \_\_\_\_\_ вилояти, \_\_\_\_\_ тумани

**БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:** АТБ “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ тумани филиали х.р \_\_\_\_\_ МФО \_\_\_\_\_, СТИР (ИНН): \_\_\_\_\_, Тармок коди (ОКОНХ): \_\_\_\_\_

## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТЎҒРИСИДА



Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқинда матбуотда эълон қилинган “**2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги қарори ушбу тизим фаолиятини янги босқичга кўтариш, соҳани бугунги кун талаблари даражасида модернизация қилишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Албатта, мазкур масалага эътибор кеча ёки бугун пайдо бўлиб қолгани йўқ. Ортга назар ташлайдиган бўлсак, ўтган 25 йиллик мустақиллик даврида Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда таълимни тубдан ислоҳ қилишнинг муҳим босқичлари амалга оширилиб, моҳиятан ҳеч қайси бир давлатда мавжуд бўлмаган узлуксиз таълим тизими шакллантирилди. Яъни, ёш авлоднинг мактабгача таълим муассасаларидан то олий таълимгача бўлган узлуксиз билим олишлари, касб ўрганиши учун шарт-шароитлар яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Бу борада, айниқса, мактабгача таълим муассасалари тизимини ривожлантириш, болаларни мактабгача таълим муассасаларига жалб этиш, мактабга тайёрлаш масалалари таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири деб қаралди. Мамлакатимизда баркамол

авлодни тарбиялаш учун, энг аввало, кулай ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратилди.

Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан мазкур соҳадаги ислоҳотлар изчил давом эттирилиб, мактабгача таълим муассасалари тармоғини ҳозирги замон талаблари ва стандартлари асосида ривожлантириш, уларни реконструкция ва модернизация қилишга қаратилаётган эътибор замирида ҳам келажагимиз эгаларининг ҳеч кимдан кам бўлмай улғайишлари ҳамда буюк аждодларга муносиб ворис бўлиб вояга етишларини таъминлашдек эзгу мақсад мужассам.

Жумладан, давлатимиз раҳбарининг қарори билан тасдиқланган Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган дастурда кенг кўламли стратегик мақсадлар, муҳим вазифалар белгилангани билан аҳамиятлидир.

Хусусан, ҳужжатда бугунги кундаги ҳаётий талаб ва эҳтиёжлар, соҳада ечимини кутаётган масалалар ҳамда ҳали ишга солинмаган имкониятлар ҳисобга олинганлиги барчамизни қувонтиради. Айниқса, келгуси беш йилликда 2200 та мактабгача таълим муассасасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жумладан, қишлоқ аҳоли пунктларида янги мактабгача таълим муассасаларини қуриш, уларни замонавий талабларга жавоб берадиган инвентарь, ускуналар, ўқув-методик қўлланмалар, мультимедиа ресурслари билан таъминлаш ҳамда ушбу мақсадлар учун жами 2,2 триллион сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилаётгани ушбу қарор ўз ичига нечоғлик кенг кўламли вазифаларни камраганлигини кўрсатади.

Ҳақиқатдан ҳам, бугунги кунда қишлоқ жойларида мактабгача таълим муассасалари сонини кескин ошириш зарурати кўринмоқда. Айрим қишлоқ шароитида яшайдиган ёш оналар учун болалар боғчаси масаласи ҳаётий эҳтиёжга айланган.

Албатта, бу эҳтиёж бежиз эмас. Мактабгача таълим муассасалари, биринчидан, мактаб ёшига қадар бўлган болаларнинг умумий саводини чиқариш, болаларда Ватанни севиш, у билан ғурурланиш ҳиссини уйғотиш, Конституцияни ўргатиш, дунёқарашини кенгайтириш имконини бераётган бўлса, иккинчидан, ёш болали оналарнинг меҳнат қилишга оид конституциявий ҳуқуқини рўёбга чиқаришга ҳам хизмат қилади. Қолаверса, ҳудудларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган янги уй-жой массивларида ёш оилалар фарзандлари учун болалар боғчалари сонини кўпайтириш зарурати пайдо бўлмоқда. Қарорга мувофиқ, айти шу мақсадда жойларда хорижий тажрибадан ва мамлакатимизнинг иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда, намунавий лойиҳа асосида 70 ва 120 ўринли 50 та замонавий мактабгача таълим муассасаларининг бунёд этиш ҳамда мавжуд муассасаларнинг 1167 тасини реконструкция қилиш, 983 тасини мукамал таъмирлаш орқали кенгайтириш назарда тутилмоқда. Бу орқали болаларнинг мактабгача таълимга қамровини 1,5 баробар оширишга эришилади.

Шу билан бирга, қарорга кўра қишлоқ жойлардаги мактабгача таълим муассасаларида ота-оналар бадал тўловини 30 фоизгача камайтириш назарда тутилаётгани кам таъминланган ва кўп болали оилалар учун енгиллик яратади.

Албатта, бу борадаги ислохотлар самарасини соҳа талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган кадрларсиз тасаввур этиш қийин. Шу сабабли тизимдаги педагог ходимлар маҳоратини илғор усуллар орқали мунтазам ошириб бориш механизмини яратиш, ахборот-коммуникация технологияларини таълим-тарбия жараёнига кенг тadbик этган ҳолда, узлуксиз методик хизмат кўрсатиш ишларини такомиллаштириш масаласи ҳам долзарб саналади.

Айни шу омилларни инобатга олган ҳолда қарорда мактабгача таълим муассасалари учун педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув режа ва дастурларини замонавий педагогик технология ва методларни инобатга олган ҳолда такомиллаштириш вазифаси белгилангани айни муддаодир. Чунки, биз ўз олдимизга фарзандларимизнинг ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадини қўйган эканмиз, шубҳасиз, педагог-тарбиячиларнинг малакасини ошириш борасидаги мавжуд тажрибаларни замонавий талаблар даражасида такомиллаштиришимиз зарур. Шу билан бирга, мактабгача таълим муассасаларини психолог, дефектолог каби мутахассислар билан таъминлаш ҳам бугунги кун талабидир.

Шунинг баробарида мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинмаган болаларни мактабга тайёрлашда қисқа муддатли тайёрлов гуруҳларининг роли муҳим саналади. Айни шу сабабли келгусида болаларни мактабга тайёрлашнинг муқобил шакли бўлган 6100 та қисқа муддатли гуруҳни ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Қолаверса, мактабгача таълим муассасаларига жалб қилинмаган болаларни мактаб таълимига тайёрлашда ота-оналарнинг педагогик-психологик билимларини ошириш ҳам мақсадга мувофиқ саналади. Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарориди 3-6 ёшдаги мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинмаган болаларни уларнинг ота-оналарини методик қўлланмалар билан таъминлаш орқали мактаб таълимига тайёрлашни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилгани болаларни таълимнинг кейинги босқичига тайёрлаш даражасини юксалтиради. Шу ўринда мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчиларни интеллектуал, жисмоний, ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, умуминсоний кадриятлар билан таништириш, болаларни мактабга сифатли тайёрлаш мақсадида турли тўғараклар, маънавият ва экология хоналари, кичик музей, кутубхоналар ташкил этиш борасидаги анъаналарни изчил давом эттириш мақсадга мувофиқ. Чунки китобга, санъатга, илмга, умуман, келажакда муайян касбни эгаллашга бўлган қизиқиш болаларда айни шу даврда шаклланади.

---

## БИЗНЕС ЛОЙИҲАНИНГ ТАВСИФИ

---

### КИРИШ



Бугунги кунда мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги боғчалар куриш бўйича давлат дастури қабул қилиниб, амалга оширилмоқда. Ривожланган давлатлар тажрибаси ҳисобга олиниб, нодавлат таълим муассасалари, жумладан, нодавлат боғчалар тармоғини кенгайтиришга ҳам катта аҳамият қаратилмоқда. Бу эса тизимда соғлом рақобатни шакллантириш ҳамда таълим хизматлари турини кўпайтиришга хизмат қилади. Мактабгача таълим соҳасига ихтисослашган кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Биз қабул қилаётган барча-барча қарорларни амалга оширадиган, фарзандларимизга билим асосларини, энг зарур ҳаётий тушунча ва кўникмаларни ўргатадиганлар юқори малакали тарбиячи ва мураббийлардир.

Бу соҳада замонавий талабларга жавоб берадиган илғор педагогик усул ва услубларни ишлаб чиқиш, ўқув ва ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини яратиш ва нашр этиш ҳам ғоят долзарб вазифадир. Яна бир муҳим масала – бу мактабгача таълим муассасаларида малакали тиббий хизматни ташкил этиш, санитария меъёрлари ва гигиена қоидаларига тўла жавоб берадиган соғлом овқатланиш тизимини йўлга қўйиш зарур.

Ушбу лойиҳада юқоридаги вазифаларни ижросини таъминлайдиган, барча қўйилган талабларга жавоб берадиган нодавлат мактабгача таълим муассасасини ташкил шарт-шароитлари белгилаб берилган. Лойиҳа доирасида фаолиятни ташкил этиш мақсадида 8 та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган. Инвестицион мажбурият сифатида муассаса томонидан 3 йиллик инвестиция даври мобайнида зарурий жихозлар ўрнатиб, фаолиятни йўлга қўйиш мақсадида **29,8 млн.сўм** инвестиция киритилиши режалаштирилган.

Лойиҳада мавжуд бино ва муҳандислик тармоқларини мукамал таъмирлаш, бу бинолар негизида нодавлат мактабгача таълим муассасасини хизмат кўрсатиш фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган.

---

## ЛОЙИҲАНИНГ УМУМИЙ ШАРХИ



Лойиҳани амалга ошириш уч боскичдан иборат: 1 – боскич: Тайёргарлик ишларини ташкил этилиши, Вақт оралиғи: 1 – 2 ойлар.

**Қилинадиган ишлар:** Лойиҳани амалга ошириш

учун зарурий маблағ ва капитал ресурс манбаларини аниқлаш, лойиҳанинг иқтисодий ҳисоб-китоблари, техник иқтисодий асоси ва бизнес режасини ишлаб чиқиш. Лойиҳа сметасини аниқлаш. Озиқ-овқат, товар моддий ресурслар сотиб олиш учун маҳсулот етказиб берувчи ташкилотлар билан шартномалар ва келишув баёнлари тузиш, ундан ташқари маҳаллий корхоналар ва бошқа ташкилотлар билан фаолият йўлга қўйилгандан кейин биринчи чорак учун зарур бўлган маҳсулотлар ва буюмлар етказиб бериш бўйича келишувлар олиб бориш. Банк молия муассасаларига ушбу лойиҳани амалга ошириш учун зарурий маблағ суммаси ва лойиҳа самарадорлигини асословчи ҳужжатлар билан белгиланган тартибда мурожаат этиш ва зарурий ҳолатда кредитни ўзлаштириш.

2 – боскич: Таъмирлаш ишлари ва инвестицияни ўзлаштириш: Вақт оралиғи: 3 – 4 ойлар.

**Қилинадиган ишлар:** Лойиҳада ажратилган маблағни ўзлаштириб кўзда тутилган барча ишларни амалга ошириш, хизмат кўрсатиш таъмирлаш курилишини яқунлаш, моддий ресурслар ва шартнома асосида ишлайдиган ишчиларни топиш, озиқ-овқат маҳсулотларини ва товар моддий бойликларни харид килиш.

3–боскич : Нормал иш фаолиятининг йўлга қўйилиши. **Қилинадиган ишлар:** мактабгача таълим муассасаси хизмати ишларини ташкил этиш, хизматлар кўрсатишдан тушган тушумлар, даромад ва харажатларни ҳисобини юритиш ва самарали иш фаолиятини ташкил этиб олдиндан кўзда тутилган техник иқтисодий асослов бўйича хўжалик фаолиятини самарали юритиш ва ривожлантириш.

Ушбу лойиҳани ишлаб чиқиш 2021 йилнинг иккинчи чорагида бошланганлигини ҳисобга олиб йил якунига қадар барча таъмирлаш ва жихозлаш ишларини яқунлаш.

МТМ фаолиятида энг катта эътибор мактабгача ёшдаги тарбияланувчиларни комил инсон бўлиб етишишлари учун зарур билим ва кўникмаларни ўргатиб боришга қаратиш керак. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва зарур буюмлар таъминотчи корхоналар базасидан юқори сифатли, қулай нархларда харид килиш орқали қондирилади.



## ЛОЙИХАНИНГ СТРАТЕГИК МАЗМУНИ ВА МАКСАДИ



Лойиханинг асосий мазмуни нодавлат мактабгача таълим муассасаси бозорида ўз мавқеига ва рақобат афзалликларига эга бўлиш, ўзини молиявий салоҳияти ва фойдасини оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Лойиҳа \_\_\_\_\_ тумани нодавлат мактабгача таълим муассасаси фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини изоҳлаб бериш ҳамда ушбу фаолиятни амалга ошириш учун кредит ва ўз маблағларини жалб этиш учун ишлаб чиқилди.

Ушбу бизнесни бошлаш учун асослар.

Биринчидан, ушбу турдаги фаолиятни ташкил этишда мутахассисларни юқори малакаси мавжуд. Иккинчидан, нодавлат таълим муассасаси бозорида барқарор ўсиб боровчи юқори рақобат афзаллигига эга бўлиш ва фойда кўриш имкониятлари аниқланди.

Лойиҳа асосан жамиятнинг нодавлат мактабгача таълим муассасасига бўлган талабини муносиб қондириш орқали фойда кўриш, муассаса хизматлари сифатини жаҳон меъёрлари ва стандартлари даражасига етказиш, уни давр талаби ва истеъмолчилар эҳтиёжи даражасида айланма маблағлар фондини ташкил этишни кўзлайди.

Стратегик жихатдан муассаса ўз олдига юқорида айтиб ўтилган барча мақсадларга эришишни, ва лойиҳа даврида (5 йил) тулақонли тўхтовсиз ишловчи комплексни яратиш, ишчилар учун энг қулай ва ижтимоий жихатдан энг маъқул муҳитни яратишни ва ҳудуд аҳолиси учун юқори сифатли, хизмат кўрсатиш базасини яратишни мақсад қилиб қўяди. Муассаса бу мақсадларга эришиш орқали нодавлат мактабгача таълим муассасалар фаолиятини ривожлантиришга ўз хиссасини қўшиш ва шу муддат ичида вилоятимизда етакчи ўринлардан бирини эгаллашни, истиқболда хизматлар сонини кўпайтириб соҳанинг етакчиларидан бирига айланишни ва соҳага қўшимча инвестициялар олиб киришни режа қилган.

Келгусида жамият ўз олдига қўйган барча мақсадларга эришиб, келгуси беш йилликда йирик муассаса сифатида маҳсулотлар бозорида кўзга кўринган муассасалардан бирига айланиб, бозорнинг 20-25 % ортиқроқ улушини эгаллашни, ўн йилдан сўнг эса бу кўрсаткични қўшимча инвестициялар жалб қилиш; етук ва малакали кадрлар тайёрлаб, улар билим ва тажрибасини қўллаш, истеъмолчилар ва бозор талабларини мунтазам ўрганиб бориб 40 % гача етказишни ўз олдига истиқболли режалардан бири қилиб белгилайди.

## **ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЖАРАЁНИ ТАВСИФИ**

Мактабгача таълим муассасаси узлуксиз давом этувчи фаолият бўлиб, молиявий ҳисоб-китоблар алоҳида тарзда олиб борилади. Муассаса томонидан нодавлат мактабгача таълим муассасаси фаолиятида моддий ресурслар ва товар хом ашё материаллардан фойдаланилади.

### **Жадвал № 1. Бажариладиган ишларни тармоқ жадвали**

№	Амалга ошириладиган тадбирлар	2021 йил			
		Май	Июнь	Июль	Август
1	Бизнес режа ишлаб чиқиш				
2	Таъмирлаш ишларин олиб бориш учун шартнома имзолаш				
3	Амалга ошириладиган қурилиш учун смета ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш				
4	Кредит олиш учун банкка ҳужжатларни тақдим этиш				
5	Банк томонидан молиялаштиришни очилиши				
6	Лойиҳани синовдан ўтказиш				

## **МУАССАСА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ҚУВВАТЛАРИ**



Юқорида айтиб ўтилганидек ташкил этилаётган нодавлат мактабгача таълим муассасаси 25 нафар мактабгача таълим ёшидаги болаларни тарбиялашга ихтисослашган бўлиб, хизмат кўрсатиш қуввати 25 ўринни ташкил этади.

## **ИШЧИ КУЧИ РЕСУРЛАРИ ВА УЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБ**



Ушбу лойиҳа бўйича ишчи кучи ва ходимларга булган талаби 2 тани ташкил килади. Шундан тарбиячилар 1 тани, нянка 1 кишини ташкил килади.

Маъмурий ходимлар таркиби муассаса мудирини ҳисобланади. Ишчиларнинг иш вақти 8 соатлик иш куни тартибида ташкил этилиб, эрталаб соат 9:00 дан кеч соат 17:00 гача

## ЭНЕРГИЯ РЕСУРЛАРИ САРФИ



Юкорида таъкидлаб ўтилганидек ташкил этилиши мўлжалланаётган муассасада барча энерготяъминот тизимларига уланиш имконияти мавжуд. Таъмирлаш смета лойихасида уларга тулиқ уланиш кўзда тутилган.

Ўрта ҳисобда ичимлик сув сарфи асосан муассаса тарбияланувчиларини ва ишчи ходимларни ичимлик таъминоти учун сарфланади. Бошқа мақсадларда ишлатиш учун эса сув оқава муассасалари томонидан етказиб бериладиган сувдан фойдаланиш кўзда тутилган.

Электрэнергия сарфи асосан электр жиҳозларни ишлатиш ва маъмурий бинони ёритиш учун сарфланади. Шу сабабдан хужаликнинг ойлик электрэнергия ресурсларига булган талаби **400 кВт** ва йиллик сарф миқдори **4800 кВт.ни** ташкил этади.

Электрэнергия ва бошқа ресурслар таъминотининг зарурий миқдори йилдан йилга хизмат кўрсатиш кувватларининг ошиши ёки ускуналарни жисмонан эскириши ҳисобидан ошиб бориши тахмин қилиниб, ошиб бориш кўрсаткичи 0,5 га тенг (яъни 5 %) деб олинди.

Электрэнергия таъминоти учун тўловларни амалга ошириш ойма-ой олиб борилади ва №14 жадвалда ойлик ва йиллик тўловлари кўрсатиб ўтилган.

## ФАОЛИЯТНИНГ МАРКЕТИНГ ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган барча ислохотлар туб негизи аҳолини ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни турмуш тарзини яхшилашга қаратилган. Ҳозирги вақтда ҳар бир соҳа ривожланиши ва сифатли хизмат кўрсатилиши бозор иқтисодини асосий талабидир. Муассаса ўз имкониятларидан ва иқтисодиётнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда хизмат кўрсатиш фаолиятини ривожлантиришни режалаштирган. Бунинг учун айрим изланишлар ва талабларни ўрганиш орқали амалга оширилиши кўзланган.

Шунинг учун бозор шароитини ўрганишда нодавлат мактабгача таълим муассасаларга бўлган талабни мавжудлигини аниқлашда бир қатор изланишлар олиб боради.

## БОЗОРДАГИ ВАЗИЯТ ТАҲЛИЛИ



Маблағини ўзлаштириш орқали нодавлат мактабгача таълим муассасаси фаолиятини ташкил этиш билан қўйдаги талабларни қондириш режалаштирилмоқда:

-Кўпчиликка манзур бўладиган арзон, қулай ва сифатли МТМ хизматларини кўрсатиш;


-Реклама асосида аҳоли, ташкилот ва муассасаларга таклиф қилиш ва буюртмачи талабини тўлақонли қондириш;

-Мижозларни талабини қондиришда имтиёзлар ва уларни рағбатлантиришни режалаштириш.


Талаб ва таклифларни ўрганиш, бевосита миждозлар билан ишлаш, хизмат кўрсатишни кенг турдаги махсулотларга бўлган талабларини доимий ўрганиб бориш орқали фаолиятни ривожланишига олиб келиши ҳеч кимга сир эмас.

### Лойихачи томонидан олиб бориладиган фаолиятни зарарли таъсири тушунчаси.

- 1). ➤ МТМ хизмати кўрсатиши жараёнида юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарлар.



2). ➤ Хизмат кўрсатиш давомида муассаса томонидан йўл қўйиладиган хатолар ва камчиликлар ҳисобига зарар кўриши сабаблари.



### БОЗОР СЕГМЕНТАЦИЯСИ



- 1) \_\_\_\_\_ тумани атрофида яшовчи фуқаролар
- 2) Яқин туманларда яшовчи фуқаролар
- 3) Қўшни вилоят ва туманларда яшовчи фуқаролар

#### 4. Худуддаги рақобатчилар таҳлили



Муассаса томонидан хизмат кўрсатиш режалаштирилаётган лойиҳада рақобатчилар ўрганилганда \_\_\_\_\_ туманида фаолият кўрсатаётган мактабгача таълим муассасалари мавжудлиги аниқланди. Ушбу муассасалар томонидан кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва сифати бугунги кундаги талаб ва эҳтиёжлар учун етарли эмас.

#### Маркетинг мажмуи «4р»

<p><b>Produkt-Маҳсулот</b> Сифатли ва қулай нарҳдаги мактабгача таълим хизматлари</p>	<p><b>Price-нарх</b> Нарх қўйиш тамойили мижозларнинг талаб ва эҳтиёжидан келиб чиқиб белгиланади.</p>
<p><b>Place-Жой</b> Бизнес худуд- муассаса _____ тумани худудида ўз фаолиятини амалга оширади. Ушбу манзилдан вилоятимизни туман ва шаҳарлари буйлаб хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд.</p>	<p><b>Promotion- Харакатланиш</b> Ўз пештахта, афишалар, телевидения орқали реклама ва Ўзбекистон савдо саноат палатасининг расмий веб сайтидан ва «Yellow pages» каталогли журналларидан _____ ҳамда <a href="http://www.alibaba.com">www.alibaba.com</a> глобал тармоғи орқали ҳаридорларни жалб этади.</p>


#### Маркетинг матрицаси

№	Мазмуни	Сегмент 1	Сегмент 2	Сегмент 3
1	Мижозлар Тавсифи	Наманган шаҳридаги фуқаролар	Қўшни тумандаги фуқаролар	Келгусида қўшни вилоятлар
2	Истеъмол ҳажми	60 %	30 %	10 %
3	Истеъмолчиларнинг географик жойлашуви	Наманган вилояти	Яқин туманлар	Қўшни вилоятлар
4	Маҳсулотга талабнинг камайиши, купайиши ёки барқарорлиги	Купаяди	Купаяди	Купаяди
5	Маҳсулотни харид қилиш қобилияти	Юқори	Ўрта	Юқори
6	Маҳсулотни истеъмолчиларга жалб этиш	Мақбул нарх ва сифат	Қулай нарх ва сифат	Қулай нарх ва сифат

## ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ, НАРХ ШАКЛЛАНИШ ОМИЛЛАРИ ТАҲЛИЛИ

### 2- График. Талаб ва таклиф мутаносиблиги.

Хизматлар ҳажми (Q)



#### Шарҳи белгилар:

$Q$  – Бозорга олиб чиқилган маҳсулот

$P$  – Хизмат кўрсатиш нархи

$Tб$  – маҳсулотга бўлган потенциал талаб

$Tф$  – маҳсулотнинг потенциал таклифи

$O$  – Талаб ва таклифнинг оптимал ҳолати  
(нарх ва маҳсулот миқдорининг оптимал кесилиш нуктаси)

### ПОТЕНЦИАЛ ТАЛАБ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР



Потенциал талаб сифатида аҳолининг нодавлат мактабгача таълим муассасаларидаги тўлов қобилияти билан таъминланган талабга айтилади. Ушбу хизматлар эҳтиёж ва талабнинг юқори бўлишига қарамасдан вилоятимиз миқёсида катта потенциал талаб мавжуд.

### *SWOT ТАҲЛИЛ*

<p><b>S Кучли томонлар</b>            Бизнес учун жуда қулай ҳудудда жойлашган+            Хизматга бўлган талабнинг мавжудлиги ++            Қисман зарурий техникаларнинг мавжудлиги+</p>	<p><b>W –Кучсиз томонлар</b>            -Илгари шу фаолият билан шугулланилган++            -Кучли брендга эга эмаслиги++</p>	<p>Кучли томонлар 6 та            Кучси томонлар 2 та  <b>S&gt;W</b>            ++S 2 та            ++W 1 та  <b>++S&gt;++W</b></p>
<p><b>O Имкониятлар</b> Чиқарилаётган Қарор ва Фармонларда хизмат кўрсатишга эътиборнинг ортиб бориши++ Хизмат турини кенгайтириш+ Муассаса ЎзССП аъзоси эканлиги++</p>	<p><b>T-Тусиклар</b>            -Кучли рақобатчиларнинг пайдо бўлиши+            -Тўлов қобилиятини номуайянлиги++</p>	<p>Имкониятлар 5 та            Тусиклар 3 та  <b>Q&gt;T</b>            ++O 2 та            ++T 1 та  <b>++O&gt;++T</b></p>



Муассаса томонидан туманимиз фуқаролари талаб ва эҳтиёжлари ўрганилди. Натижада шахримиз ва кўшни туманларда ушбу хизматга бўлган талабнинг юқори эканлиги аниқланди. Лойиҳанинг 60 % дан юқори қисми шахримиз фуқаролари учун кўрсатилганлиги сабабли лойиҳа тўлалигича ўзини ўзи қоплаши юқоридаги жадвал асосида кўрсатиб берилган. Лойиҳанинг кучли томонлари 3 тани кучсиз томонлари 2 тани, Имкониятлари 3 тани, тўсиқлари эса 2 тани ташкил қилиши лойиҳа долзарб эканлигини тасдиқлайди.

## МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ ВА ДАСТУРИ



Ушбу бўлимда худудларда кўрсатилган хизматлар бўйича мижозларни жалб қилишни ташкил этиш масалалари кўриб чиқилади. Хизматлар муваффақиятли ташкил этиш учун муассаса фойдасига салбий таъсир курсатмасдан имкон қадар дисконт нархлар ва чегирмалар таклиф этиш (агар тўлов миқдори юқори бўлмаса) режалаштирилган. Ундан ташқари Наманган шаҳар ва яқин туманларда турли реклама акциялар ўтказиш ва фуқаролар диққатини жалб этиш ҳам кўзда тутилган. Бунинг асосий сабаби бу ишлар муассаса фойдаси ҳисобидан амалга оширилади. Ҳамкорлик асосида муассасанинг фойдаланилмаётган қувватларидан тўғри фойдаланиш ётади.

Рекламалар уюштириш дастурида **1000 дон** тарқатма материаллар ишлаб чиқиш ва тарқатиш ўам кўзда тутилган бўлиб, булардан ташқари яна 500,0 минг сўм маблағ самарали ва қулай реклама турларига сарфланиши мумкин. (Масалан баннерларда, журнал-газета, радио ва телевиденияда реклама бериш, ютуқли ўйинлар уюштириш, кўрғазмаларда катнашиш ва х. к. лар)





**УМУМИНВЕСТИЦИОН ХАРАЖАТЛАР ВА МОЛИЯЛАШ  
МАНБААЛАРИ**

**Жадвал № 5. Кредит маблағларининг сарфланиши ва  
молиявий харажатлар**

минг сўм

№	Махсулот номи	Ишлаб чиқарувчи ташқилот	Жами	Шундан	
				Ўз маблағ	Кредит ҳисобидан
1	Зарур мебеллар, хизмат курсатиш воситалари олиш	Тадбиркор лик субъект- лари	20 000	0,0	20 000
2	Турли шаклдаги ўйинчоқлар ва атракционлар сотиб олиш		9 800	9 800	0,0
	<b>ЖАМИ</b>		<b>29 800</b>	<b>9 800</b>	<b>20 000</b>

Хизмат кўрсатиш майдони 75 м<sup>2</sup> майдондан кам бўлмаслиги талаб этилади. Ушбу майдонлар бир неча зоналарга ажратилади;

- ❖ Турли машғулотлар ўтказиш хонаси;
- ❖ Овқатланиш хонаси;
- ❖ Ювиниш хонаси;
- ❖ Спорт зали
- ❖ Дам олиш хонаси

Ушбу хоналар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим;

- ❖ деворлар бўялган ва полга ёғоч паркетлар ётқизилган бўлиши;
- ❖ иситиш системаси;
- ❖ яхши хаво айланиши (вентиляция);
- ❖ канализация;
- ❖ водопровод.

**ХИЗМАТ КЎРСАТИШ РЕЖАСИ****Жадвал № 9. Мактабгача таълим муассасаси хизмат кўрсатишдан тушадиган тушумлари**

МИНГ СУМ

№	Хизмат кўрсатиш номи	Тарбияланувчилар сони	1 ойда	1- йил	2- йил	3- йил	Жами
1	Болаларни тарбиялаш хизматидан жами тушум	25	11 250	135 000	144 000	150 000	<b>429 000</b>
	1 тарбияланувчига тўғри келадиган ойлик хизмат нарҳи		450	450	480	500	

### ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ САРФ – ХАРАЖАТЛАРИ

**Жадвал № 11. Бир ўрин учун сарфланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари меъёри ва харажатлар таркиби**

*(сўм ҳисобида)*

№	Маҳсулот тури	Миқ-дори	Нархи	Қий-мати	1 нафар бола учун			25 нафар бола учун		
					1-кунда	1-ойда	1-йилда	1-кунда	1-ойда	1-йилда
1	Витамин ва маъданлар аралашмаси билан бойитилган 1-навли буғдой нони, булочка	120	550	66	66	1 584	19 008	1 650	39 600	475 200
2	1-навли буғдой ун	20	2 200	44	44	1 056	12 672	1 100	26 400	316 800
3	Ёрма, макарон маҳсулотлари ва 3 грам мош (гуруч, гречка, нохот, перловка, макарон ва бошқалар)	45	9 000	405	405	9 720	116 640	10 125	243 000	2 916 000
4	Шакар	40	5 200	208	208	4 992	59 904	5 200	124 800	1 497 600
5	Қандолат маҳсулотлари	10	10 000	100	100	2 400	28 800	2 500	60 000	720 000
6	Сарикёғ	20	24 000	480	480	11 520	138 240	12 000	288 000	3 456 000
7	Ўсимлик ёғи	8	5 825	47	47	1 118	13 421	1 175	27 950	335 525
8	Сут, қатиқлар	350	2 000	700	700	16 800	201 600	17 500	420 000	5 040 000
9	Сметана	5	8 500	43	43	1 020	12 240	1 075	25 500	306 000
10	Творог	30	8 500	255	255	6 120	73 440	6 375	153 000	1 836 000
11	Пишлоқ	8	25 000	200	200	4 800	57 600	5 000	120 000	1 440 000

12	Гўшт ва парранда гўшти	100	30 000	3 000	3 000	72 000	864 000	75 000	1 800 000	21 600 000
13	Балиқ	30	8 000	240	240	5 760	69 120	6 000	144 000	1 728 000
14	Товуқ тухуми (дона)	0,5	550	0	275	6 600	79 200	6 875	165 000	1 980 000
15	Картошка	150	3 300	495	495	11 880	142 560	12 375	297 000	3 564 000
16	Сабзавотлар: (карам, пиёз, ошқовоқ, қизилча, сабзи, шолғом, турп, булғор қалампир шу жумладан, томат пастаси)	220	4 000	880	880	21 120	253 440	22 000	528 000	6 336 000
17	Мевалар, резаворлар, шарбатлар, витаминлаштирилган ичимликлар	150	5 000	750	750	18 000	216 000	18 750	450 000	5 400 000
18	Қуруқ мевалар (аралашма)	15	20 000	300	300	7 200	86 400	7 500	180 000	2 160 000
19	Чой	0,3	20 000	6	6	144	1 728	150	3 600	43 200
20	Какао	1	35 000	35	35	840	10 080	875	21 000	252 000
21	Йодланган туз	3	1 000	3	3	72	864	75	1 800	21 600
22	Хамиртуруш	1	1 500	2	2	36	432	50	900	10 800
	<b>Жами</b>	<b>1 327</b>		<b>8 258</b>	<b>8 533</b>	<b>204 782</b>	<b>2 457 389</b>	<b>213 350</b>	<b>5 119 550</b>	<b>61 434 725</b>

**Жадвал № 12. Йиллар бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари учун сарфланадиган харажатлар  
ТАРКИБИ**

сум

№	Маҳсулот тури	1-йилда	2-йилда	3-йилда	Жами
1	Витамин ва маъданлар аралашмаси билан бойитилган 1-навли буғдой нони, булочка	475 200	484 704	498 960	1 458 864
2	1-навли буғдой ун	316 800	323 136	332 640	972 576
3	Ёрма,макарон маҳсулотлари ва 3 грам мош (гуруч, гречка, нохот, переловка, макарон ва бошқалар)	2 916 000	2 974 320	3 061 800	8 952 120
4	Шакар	1 497 600	1 527 552	1 572 480	4 597 632
5	Қандолат маҳсулотлари	720 000	734 400	756 000	2 210 400
6	Сарикёғ	3 456 000	3 525 120	3 628 800	10 609 920
7	Ўсимлик ёғи	335 525	342 236	352 301	1 030 062
8	Сут, қатиклар	5 040 000	5 140 800	5 292 000	15 472 800
9	Сметана	306 000	312 120	321 300	939 420
10	Творог	1 836 000	1 872 720	1 927 800	5 636 520
11	Пишлоқ	1 440 000	1 468 800	1 512 000	4 420 800
12	Гўшт ва парранда гўшти	21 600 000	22 032 000	22 680 000	66 312 000
13	Балиқ	1 728 000	1 762 560	1 814 400	5 304 960
14	Товуқ тухуми (дона)	1 980 000	2 019 600	2 079 000	6 078 600
15	Картошка	3 564 000	3 635 280	3 742 200	10 941 480

16	Сабзавотлар: (карам, пиёз, ошқовоқ, қизилча, сабзи, шолғом, турп, булғор қалампир, томат пастаси)	6 336 000	6 462 720	6 652 800	19 451 520
17	Мевалар, резаворлар, шарбатлар, витаминлаштирилган ичимликлар	5 400 000	5 508 000	5 670 000	16 578 000
18	Қуруқ мевалар (аралашма)	2 160 000	2 203 200	2 268 000	6 631 200
19	Чой	43 200	44 064	45 360	132 624
20	Какао	252 000	257 040	264 600	773 640
21	Йодланган туз	21 600	22 032	22 680	66 312
22	Хамиртуруш	10 800	11 016	11 340	33 156
	<b>Жами</b>	<b>61 434 725</b>	<b>62 663 420</b>	<b>64 506 461</b>	<b>188 604 606</b>

**ИШЧИ КУЧИ САРФ ХАРАЖАТЛАРИ**  
**Жадвал № 15. Штатлар жадвали ва йиллик иш хақи**  
**фонди**

сўм

№	Штат номи	Штат бирлиги	Ойлик иш хақи	Ижтимоий суғурта ажратмалари 15 %	Ойлик иш хақи ажратмалари	Йиллик иш хақи ажратмалари (минг сум)
Ташкил этилиши режалаштирилган иш ўринлари						
1	Тарбиячи	1	1000 000	150 000	1 150 000	13 800
2	Ошпаз	1	800 000	120 000	920 000	11 040
	<b>Жами</b>	<b>2</b>	<b>1 800 000</b>	<b>270 000</b>	<b>2070 000</b>	<b>24 840</b>





№	Харажат турлари	Миқдори	Нархи	Қиймати	3-йил												Жами йиллик харажат
					1-ойда	2-ойда	3-ойда	4-ойда	5-ойда	6-ойда	7-ойда	8-ойда	9-ойда	10-ойда	11-ойда	12-ойда	
1	Электр энергияси (кВт)	425	300	<b>127 500</b>	127 500	127 500	127 500	127 500	127 500	127 500	127 500	127 500	127 500	127 500	127 500	127 500	<b>1 530 000</b>
2	Табиий газ (м3)	70	320	<b>22 400</b>	22 400	22 400	22 400	22 400	22 400	22 400	22 400	22 400	22 400	22 400	22 400	22 400	<b>268 800</b>
3	Ичимлик суви (м3)	35	1 700	<b>59 500</b>	59 500	59 500	59 500	59 500	59 500	59 500	59 500	59 500	59 500	59 500	59 500	59 500	<b>714 000</b>
	<b>Жами</b>	<b>1 400</b>		<b>209 400</b>	<b>209 400</b>	<b>209 400</b>	<b>209 400</b>	<b>209 400</b>	<b>209 400</b>	<b>209 400</b>	<b>209 400</b>	<b>209 400</b>	<b>209 400</b>	<b>209 400</b>	<b>209 400</b>	<b>209 400</b>	<b>2 512 800</b>

**АМОРТИЗАЦИЯ АЖРАТМАЛАРИ**  
**Жадвал № 17. Амортизация ажратмалари ҳисоби**

МИНГ СУМ


№	Амортизация объекти	Асосий воситалар қиймати	Амортизация ставкаси	1 йил	2 йил	3 йил	4 йил	5 йил	Жами
1	Муассаса балансидаги мавжуд асосий воситалар	100 000	5 %	20 000	19 000	18 050	17 148	16 290	90 487
	<b>Жами</b>			<b>20 000</b>	<b>19 000</b>	<b>18 050</b>	<b>17 148</b>	<b>16 290</b>	<b>90 487</b>

### ЯЛПИ ХАРАЖАТЛАР ХИСОБИ

**Жадвал № 18. Ялпи хизмат кўрсатиш харажатлари (таннарх калькуляцияси)**

МИНГ СУМ

№	Харажат турлари	1 йил	2 йил	3 йил	Жами
1	Озиқ-овқат маҳсулотлари харажатлари	61 434,7	62 663,4	64 506,4	188 604,6
2	Коммунал харажатлар	2 105	2 284	2 513	12 379
3	Хизмат кўрсатишдаги иш хақи харажатлари	21 600	22 032	22 464	66 096
4	Хизмат кўрсатишдаги ходимларни иш хақидан ижтимоий тўлов ажратмалари	3 240	3 305	3 370	9 914
5	Амортизация ажратмалари	20 000	19 000	18 050	90 488
6	Транспорт харажатлари	2 703	2 838	2 892	14 516
7	Бошқа харажатлар (Жами харажатни 1 %)	1 341	1 389	1 409	7 047
	<b>Жами хизмат кўрсатиш таннархи</b>	<b>112 424</b>	<b>113 511</b>	<b>115 204</b>	<b>389 045</b>



**КРЕДИТНИ КАЙТАРИШ РЕЖАСИ**  
**Жадвал № 19. Кредитнинг кайтариш графиги**

№	Кредит суммаси	Асосий қарз	Ғоиз	Ойлик тўлов	Қолдиқ
1	20 000 000		233 333	233 333	20 000 000
2	20 000 000		233 333	233 333	20 000 000
3	20 000 000		233 333	233 333	20 000 000
4	20 000 000		233 333	233 333	20 000 000
5	20 000 000		233 333	233 333	20 000 000
6	20 000 000		233 333	233 333	20 000 000
7	20 000 000	666 667	233 333	900 000	19 333 333
8	19 333 333	666 667	225 556	892 222	18 666 667
9	18 666 667	666 667	217 778	884 444	18 000 000
10	18 000 000	666 667	210 000	876 667	17 333 333
11	17 333 333	666 667	202 222	868 889	16 666 667
12	16 666 667	666 667	194 444	861 111	16 000 000
13	16 000 000	666 667	186 667	853 333	15 333 333
14	15 333 333	666 667	178 889	845 556	14 666 667
15	14 666 667	666 667	171 111	837 778	14 000 000
16	14 000 000	666 667	163 333	830 000	13 333 333
17	13 333 333	666 667	155 556	822 222	12 666 667
18	12 666 667	666 667	147 778	814 444	12 000 000
19	12 000 000	666 667	140 000	806 667	11 333 333
20	11 333 333	666 667	132 222	798 889	10 666 667
21	10 666 667	666 667	124 444	791 111	10 000 000
22	10 000 000	666 667	116 667	783 333	9 333 333
23	9 333 333	666 667	108 889	775 556	8 666 667
24	8 666 667	666 667	101 111	767 778	8 000 000
25	8 000 000	666 667	93 333	760 000	7 333 333
26	7 333 333	666 667	85 556	752 222	6 666 667
27	6 666 667	666 667	77 778	744 444	6 000 000
28	6 000 000	666 667	70 000	736 667	5 333 333
29	5 333 333	666 667	62 222	728 889	4 666 667
30	4 666 667	666 667	54 444	721 111	4 000 000
31	4 000 000	666 667	46 667	713 333	3 333 333
32	3 333 333	666 667	38 889	705 556	2 666 667
33	2 666 667	666 667	31 111	697 778	2 000 000
34	2 000 000	666 667	23 333	690 000	1 333 333
35	1 333 333	666 667	15 556	682 222	666 667
36	666 667	666 667	7 778	674 444	0

**МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ХИСОБ-  
КИТОБИ Жадвал № 20. Даромадлар ҳисоби**

(МИНГ СЎМ)

№	Номланиши	1 йил	2 йил	3 йил	Жами
1	Хизмат кўрсатишдан жами тушум	135 000	144 000	150 000	<b>429 000</b>
2	Хизмат кўрсатиш таннарихи	112 424	113 511	115 204	341 139
<b>3</b>	<b>Ялпи даромад</b>	<b>22 576</b>	<b>30 489</b>	<b>34 796</b>	<b>87 861</b>
4	Солик тўловлари 12%	2 709	3 659	4 176	10 543
5	Банк хизмати туловлари (0,2 % тушумдан)	270,0	288,0	300,0	858,0
6	Кредит тўловлари	6 683,3	9 726,7	8 606,7	25 016,7
<b>7</b>	<b>Соф фойда</b>	<b>12 913,7</b>	<b>16 815,3</b>	<b>21 713,3</b>	<b>51 443,3</b>
8	Рентабеллик % (6/2)	12,5	15,5	19,1	13,8

**ПУЛ ОҚИМИ ВА ДИСКОНТЛАНГАН ПУЛ**  
**ОКИМИ Жадвал № 21**

№	КЎРСАТГИЧЛАР	Шу жумладан йиллар бўйича			Жами
		1-йил	2-йил	3-йил	
<b>I</b>	<b>Ҳисоб рақамига жами тушум</b>	135 000	144 000	150 000	<b>429 000</b>
<b>II</b>	<b>Ҳисоб рақамидан харажат</b>				
1	Озиқ-овқат маҳсулотлари харажатлари	61 434,7	62 663,4	64 506,4	188 604,6
2	Коммунал харажатлар	2 105	2 284	2 513	12 379
3	Хизмат кўрсатишдаги иш хақи харажатлари	21 600	22 032	22 464	66 096
4	Хизмат кўрсатишдаги ходимларни иш хақидан ижтимоий тўлов ажратмалари	3 240	3 305	3 370	9 914
5	Амортизация ажратмалари	20 000	19 000	18 050	90 488
6	Транспорт харажатлари	2 703	2 838	2 892	14 516
7	Бошқа харажатлар (Жами харажатни 1 %)	1 341	1 389	1 409	7 047
8	Солиқ тўловлари 12%	2 709	3 659	4 176	10 543
9	Банк хизмати тўловлари (0,2 % тушумдан)	270,0	288,0	300,0	858,0
10	Кредит тўловлари	6 683,3	9 726,7	8 606,7	25 016,7
11	Солиқ тўловлари-12%	2 591	9 048	9 450	40 860

## ХУЛОСА

---

Даромадлилик ва самарадорлик таҳлили шуни кўрсатмоқдаги лойиҳа рентабеллик даражаси ялпи ҳисобда **13,8 %** ни ташкил қилмоқда. Реал қопланиш муддатининг лойиҳа давомийлик давридан камлиги соҳанинг молиявий–иқтисодий жозибадорлигидан хабар бериб турибди.

Таъкидлаб ўтилганидек юқори фойда нормалари лойиҳанинг барча турдаги инкирозлар ва рискларга чидамли эканлигини кўрсатмоқда. Ундан ташқари олиниши мумкин бўлган **53 993 минг сўм** фойда муассаса мақсадлари ва режаларини тўла амалга оширишга ва соҳани кенгайтириш ва бошқа фаолият турларини жорий этишга инвестиция қилиш имконини яратади.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги маълумотларни ҳисобга олиб, лойиҳа тижорий самарадор ва барқарор деб баҳоланади ва жалб килинган маблағларини ўз вақтида қайтарилиши ва мўлжалланган мақсадлар ва стратегик режаларга эришиш имконини яратишга қодирлиги соҳага инвестиция киритиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатиб турибди.

Бу турдаги хизмат кўрсатиш фаолиятини жорий этиш Ўзбекистон Республикасининг бугунги кундаги сиёсатига тўла мос келади ва ривожланиш, тараққий этиш учун кенг имкониятлар яратиб бериб, нодавлат мактабгача таълим муассасаларини ривожлантириш ва талаб даражасида хизмат кўрсатишга ўз ҳиссасини қўшади.

Барча келтирилган маълумотлар ва ҳисоб–китобларни ўрганиб чиқиб мактабгача таълим муассасаси фаолиятини ташкил қилиш учун **29,8 млн.сўм** миқдорида инвестиция киритишга қарор қилади ва бу инвестицияни мақсадли сарфланиши бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

**Якка тартибдаги тадбиркор**

---

## Фойдаланилган адабиётлар

---

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 30 сентябрь 2017 йилдаги Фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 05 апрель 2018 йилдаги ПҚ- 3651 сонли қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2017 йил 19 октябрь куни мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш масалаларига бағишланган ўтказилган йиғилишда белгилаб берилган вазифалар.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори
5. С.Турсунов - “Мактабгача таълим-узлуксиз таълим тизими пойдевори” мақоласи
6. Мактабгача таълим муассасалари фаолияти бўйича вилоят “Мактабгача таълим бошқармаси” дан олинган маълумотлар